

# БОЛАР ЖАМГАРМАСИ

BA

عَالَهُ وَجَيْتُ

51  
СОН

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик  
куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1996 йил декабр

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАСИ, БОЛАР ЖАМГАРМАСИ ВА «СОФЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

— Баҳоси эркин нараҳда



ми бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси ташки иктисодий фаролият миллий банки билан Япония Экспорт-импорт банки ўртасида Фарғона нефтини кўйта ишлаш заводини кўйтишни маблаг билан таъминлаш учун 9 миллиард 715 миллион япон иени (85 миллион 519 минг АҚШ доллари) миқдоридан кредитга доир битим имзоланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Самойидин Хусенов Буҳоро вилоятининг ёхимини этиб тайланган.

• Республика измайларни таъминлашадиги республикамиз хукумат делегациясининг Японияга расмий таширифи доворасида юртбочимиз Ислом Каримовинг япон тилида чот этилган «Ўзбекистон иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» китобининг тақдим маросими бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Баш вазири Ўткир Султонов раҳбарлигидаги республикамиз хукумат делегациясининг Японияга расмий таширифи доворасида юртбочимиз Ислом Каримовинг япон тилида чот этилган «Ўзбекистон иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида» китобининг тақдим маросими бўлиб ўтди.

пия шон-шуврати музейида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

• Нукусда Коракалпогистон Республикаси Жўхорги Кенгесининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда юртбочимизнинг Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятлари кенгашлари сесияларида сўзлаган нутқида ўртага кўйилган масалалар мухкама этилди.

• Республика рассомлар уюшмасининг Тошкентдаги «Ҳамар» халқаро алоқалар марказида иккичинчи марта савдо-саноат ямаркаси очилди.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Индонезия банки делегациясининг Ўзбекистон Марказий банкига таширифи чоғида банкадаро битим имзоланди.

• «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг тащабуси билан «Ижтимоий-экологик соҳада инсон манбаатлари» мавзусида давра сұхбати ўтказилди.

• Мамлакатимиз банклари сафи яна битим имзоланди.

тага кенгайди. «Абн-Амро банк Ўзбекистон МБ» хиссадорлик банки ўз фаолиятини бошлиди. Ўзбекистон Республикаси ташки иктисодий фаролият миллий банки, Нидерландийининг Абн-Амро банки, жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки янги банкнинг таъсисчилари бўлиши.

• Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси «Фударолик кодексини ҳуқуқтарига битим имзоланди.

• Словакиянинг Бонск шаҳрида ўтказилган болалар икоди халқаро кўргазмасида хивалик ёш рассомлар ҳам муввафқиятли қатнашиб, ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг ташакурномасига, бир қанча совиниларга сазовор бўлиши.

ЎзА ва республика матбуоти  
хабарлари асосида тайёрланди



Оқар сойнинг соҳилида оқди дилим...

## Ушбу сонга

### 3-БЕТ: ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР:

«... нариги уйининг бурчагидаги томнинг шипига бир арқон боғлаб қўйибман. Жондан тўйған пайтингда ўзингни ўша арқонга осгин!»

### 4-БЕТ: ҚИШЛОҚДОШЛАР НИМА ДЕРКИН?

«Одамлар нима учун ҳамма нарсага қинғир кўз билан қарайди, хайронсан... Ёмонига олса, бошинг гапдан чиқмайди.

### 6-БЕТ: ЧЕРЧИЛЛНИНГ «ЎФИРЛАНИШИ»

(Жеке Хиггинснинг шу номдаги романидан парча):  
«Гарвалд қиз билан гаплашаётганда унга ўтирилиб қарамади, Фикри-зикри ҳовлига мотоциклда кириб келган ва мотоциклни юқ машиналаридан бирининг ёнига қўйган кишида ёди».

### СЕВГИ ЭНГ ОЛИЙ ХИСЛАТ

(ёхуд американлик Мигэнхоним Ўзбекистон келини)

\*\*\*  
ПУЛ ТЕРИШ АЗОБМИ... РОХАТ?



### АКА-УКА БЕГОНАЛАР

\*\*\*  
БУ — СЕНИНГ КУНИНГ...

### КЕЛИНЛИК ҲАЗИНАСИНИНГ ЖАВОҲИРЛАРИ

Кейинги сонларда



## ОИЛА НИКОҲДАН БОШЛАНАДИ

Яқинда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида «Никоҳни қайд қилиш маросими» кўрик-тандови бўлиб ўтди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Негаки, қадриятларимиз, урф-одатларимиз сингари тўйларимиздаги унтулган расм-русларимизни қайта тикилаш ҳам бугуннинг энг долзарб ва зифаларидан биридир.

— Янги курилаётган ои-

ланинг келажаги ана шу баҳт тўйидан бошланади. Тўйларимиздаги расм-руслар, анъаналарнинг ҳар бири замрида олам-олам маъно мушсасам, — дейди биз билан сұхбатда Тошкент вилояти хокими мувонини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаева.

— Тўғри, кейинги йилларда тўйларимиз билан боғлиқ кўплаб урф-одатларимиз унтилиб, европача тус оладётган эди. Истиқолимиз шарофати туфайли барча қадриятларимиз сингари тўйларимизга ҳам эътибор ўзгарди.



Кўрик-тандовда Тошкент вилоятидаги 22 туман ва шаҳар ФХДЕ (Фукаролик ҳолатларига далолатнома ёзиш) бўлимлари қатнашдилар. Тандов байрамона тус олди. Тўй-тўйга уланди. Кўрик галиблари аниқланди. Биринчи ўрин Бўстонлик, Ангрен, Бекобод туманларига, иккинчи ўрин Урга Чирчиқ, Куйи Чирчиқ, Юкори Чирчиқ туманларига, учинчи ўрин Тошкент, янгибодликларга насиб этди. Анъанага кўра голибларга Тошкент вилояти ва Чирчиқ шаҳар ҳокимлигининг эсадлик соввалари топширилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Суратларни В. ГРАНКИН олган

«Оила ва жамият» турмуш осетасига эндиғина қадам кўйган ёш оиласарга, оила қуриш арафасидаги йигит-қизларга сабоқ бўладиган, маслаҳат берадиган мақолаларни чоп этиши билан айниқса қадрли. Бу гапни бежиз айтиётганим йўқ. Узун туманидаги қишлоқ хўжалик техникими кутубхонасида мудира бўлиб ишлайман ва талабаларимиз «Вактли матбуот нашрлари» бўлимимизда асосан ма-

## Изҳор ХУРМАТИМ БАЛАНД

на шу газетани олиб ўқишиади. Ўзим эса ҳар йили «Оила ва жамият»га биринчи навбатда обуна бўламан. Энг кичик ҳабардан тортиб, катта-катта мақолаларгача синчилкаб ўқиб чиқаман. Бундан ташқари газетанинг бир неча йиллик тахламларини тикиб, сақлаб кўйганман. Бунга «Оила ва жамият»га хурматимнинг, ихлосимнинг баландлиги сабаб, албатта.

Келгусида газета саҳифаларида қадимий удум ва анъаналаримиздан келиб чиқиб, ёшларнинг муомала маданияти, жамоат жойларда ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида мақолалар, юритимизнинг таникликишилари билан сұхбатлар бераборилса, айни мудда бўларди.

Соҳибахон ДАМИНОВА,  
Сурхондарё вилояти

## «ЎЗ ЁШЛИГИМНИ ЎҒЛИМДА КЎРАМАН»

Хаётда шундай инсонлар борки, қасбкори, лавозимидан катъий назар ўзининг ширинсў, меҳрибон ва савимий фазилатлари билан ён-атрофдагиларнинг чексиз ҳурмат ва ишончига сазовор бўлишиади. Улар тўғрисида гап кетгандага факатгина ижобий фикрлар билдирилади. Абдусаттор ака Курбоновни ҳам ана шундай кишилар каторига кўшиша ҳақлимиз.

Абдусаттор ака даастлаб ўрта мактабда директорлик килган. Кейинчалик, қизиқиши туфайли сиртдан Тошкент Давлат юридик институтини туттагача, ишни прокуратура органларида давом эттириди. З-даражали хукукшунос Абдусаттор Курбонов бугунги кунда Пойдарики туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Оиласада эса умр йўлдоши Сайёрахон опа билан олти фарзанд, олти нашибра бош-кош. Абдусаттор аканинг икки ўғли ота изидан бориб, юрт осойиштаги учун хизматга бел боғлашган.

— Инсон ҳаёти ниҳоятда қизиқ ва

мураккаб экан, — дейди биз билан сұхбатда у киши. — Умрни оқар дарёга қиёслашганинг бежиз эмаслигига тўла ишонч ҳосил қилдим. Биз ҳам кечагина дунёнинг ғам-ташвишларидан ҳоли, ота-онамизнинг шўх ва беғубор фарзандин эдик. Бугун қарабисизи, олти фарзанднинг отаси, олти набиранинг буvasи бўлиб 50 йиллик умримизни кечириб кўйибиз. Лекин ўтган умримдан нолимларига орзуларимга эришдим ҳисоб. Ота бўлмагунингча отанинг қадрими билмайсан, деганларидек, фарзандларимга эътибор бераб, кузатиб, ҳаётининг накадар мўъжизиқор эканлигига қойил қоламан. Ўғлим Хурсанджоннинг хатти-ҳаракатларида ўзимнинг ёшлигимни кўраман. Шу онларда уларнинг завқи ҳаётлари ва бугунги кунларига ҳавасим ниҳоятда ортиб кетади.

Ха, Абдусаттор ака қувонк, дилкаш, самимий ва энг асосийи доимо ҳалк, юрт ташвиши билан юрган инсонлар сирасига киради.

— Жиноят, катта-кичклигидан катъий назар, ўз номи билан жиноят, — деб сұхбатимизни давом эттириди Абдусаттор ака.



— Шунинг учун агар бир қараашда майдо, арзимасдек туюлган қонунбузарликлар жазосиз колса, бу катта жиноятларга йўл очиши турган гап. Колаверса, ҳуқуктар-тибот органларининг вазифаси факат жиноятчиларни ушлаб жазолағандагина иборат эмас. «Касални кубончча ташвишларига шерик эканлигидан манмун.

Одатда, эзлика кирганда одам ортига боқиб, ўтган умрни сархисоб қиласди. Абдусаттор ака ўтган умридан, элкорт корига яраётганидан, туғилиб ўсган заминининг кубончча ташвишларига шерик эканлигидан манмун.

Зоҳид НОРМУРОДОВ,  
Толиб БОЙЗОКОВ

## Фикр ТУРМУШНИНГ АСАЛ ДЕВОРИ...

Ассалому алайкум, хурматли таҳририят ходимлар! «Оила ва жамият» мен севиб ўқийдиган газетадир. Униг ҳар бир сонини зоришиб кутаман. «Нафис мажлислар», «Балогат бекати», ёшлар ижодидан бериладётган туркум шеърлар менга жуда ёқади.

Бувим рахматлик: «Ҳаётнинг уч девори заҳар бўлса, тўртингчиси асал бўлади. Аёл қиши уч заҳарли деворни ялаб, охирида асалига етади», — деб эдилар. Бувимнинг гаплари нақадар ҳақ эканлигига энди амин булавпман. Шу мавзуга боғлаб «Ҳаёт сабоқлари» деган руҳнама очсангизлар, токи унда ота-она, бобо-буви, устозлар ўз бошларидан ўтган ҳаётнинг аччиқ-чунчуклари ҳақида сўзлаб берсалар. Ҳаётда ўз турмушлари давомида жуда кўп машакқатларни кечириб яшаганлар ҳам бор-ку! Улар ани шу ҳаёт тажрибалари, кийинчилкларни қандай қилиб енгиг ўтиш ёки олдини олиш ҳақида ёзсалар, бу ёшларга сабоб бўлар эди, деб ўйлайман.

Гулчехра ШИРИНОВА,  
Тошкент

## ОЛАМДА ГАП КЎП КИЗЛАР «ВАЛДИС»НИ ЎЙНАШАДИ

Қайси қиз «Барби» қўғирчоғи бўлишини орзу қилмайди, дейсиз. Яқин орада эса улар «Валдис»ни орзу қилиб қолиша ажабмас. «Интеллектуал мулк агентлиги» номли ташкилот Москва ўйинчоклар фабрикасига «Кўйини топ» дам олиш кўрсатувининг бошловчиси Валдис Пелшининг киёфасини акс эттирган қўғирчоқлар ишлаб чиқаришга буюртма берди. Пелш ҳам «ўзинни сотишларига қарши эмас. Сабаби, қўғирчоқлар унинг учун яна бир даромад манбаига айланиб қолади-да.

## ГУМБАЗ СИРИ

Ровийлар шундай ривоят қиласылар: Рум чүлида бир гумбаз бор экан. «Қасирук расас» деб аталаркан. Бир жаңғада бир одам румликларнинг күлига асир тушиб қолибди. У одам Куръонни жуда чирилай ўқир экан. Кустантиния подшоңсига унинг кироати ёқиб қолибди. У кишини туткуулидан бүштаби, саройга ишга олибди. Бир неча йил үтгандан кейин ҳалиги киши подшога ўз ўткенини айтади: «Касирук расас» гумбазини бир күриши орзу килар эдим. Агар уни бориб күриб келишига рухсат этсанғиз, сиздан бекад миннатдор бўлардим».

Подшоҳ рухсат беради. У киши мамлакатдан чиқиб, шура чулағи келади. Караса, кошида жуда чирилай гумбаз, эшигигиннинг олдида эса бир катта тош туриди. У тошга шундай сўзлар ёзилган экан: «Хар қандай бойнинг ҳам давлати бир кун заволга учраши мумкин. Тангригина олам бойликларнинг абдий эгаидир. Унинг салтанти ҳеч қочи кула-майди. Бу тошни ўз жойидан кўзғатма-гучча, ҳеч ким гумбаз ичига кира олмайди». Ҳалиги киши тошни жойидан кўзғатаби, гумбазиниң ичига киради. Бир дастурхоннинг устида минг кишининг бош суряи ётар эди. Бундан ташқари, яна бир қабр бор эди, унинг устига ҳам тош кўйилган эди. У тошга эса шундай сўзлар ёзилган экан: «Улдимдан кўрк. Тириклик, ҷонғингда залу ишларни бажа-риша ҳаракат қил. Тангрини эзгуликни ёктиргусидир. Эй, инсон боласи. Бу дастурхоннинг подшида томтот эди. Бу эса Лом бинни Обир ал мулук қабри. Лом юз йил подшолик таҳтида ўтириди. Юз минг элни бўйсундириди, лекин у ҳам ўлимдан кутула олмади. Бу ерга қадами-етган ҳар бир киши ундан ҳикматлардан ибрат олмоги лозимиди».

## СЎЗЛАШ ВА СУКУТ САҚЛАШ ОДОБИ

Хазрат И мом Сажжод замонларидан табалар орасида сукут сақлаш ва сўзлаш одоби ҳақида бахс кетибди. Улардан бири Лукмони Ҳакимни ёдга олиб

дебди:

— Агар сўз кумуш бўлса, сукут тиллодир. Бошқа бири дебди:

— Бу ҳикматнинг ўз ўрни бор, лекин хамма вакт сукут сақлашлик хам фойдали смас.

Улар узок баҳсласибидилар. Кейин И мом Сажжоднинг кошига келибдилар ва саволлари билан мурожаат қилибди.

И мом Сажжод дебди:

— Шундай бир мақол бор: «Бир сўз билан исломга киравсан, битта керакис сўз билан диндан чиқасан». Агар айтётгап сўзнингда ибрат бўлмаса, унинг фойдайси ўйк. Сукут сакласангу унда тафқур бўлмаса, гафлат билан тенг. Сўзлаш ва сукут сақлаш ҳам яхшилик, ҳам оғфатидир. Агар ҳар иккни оғфатдан омонда бўлишини истасанг, сўзлаш хомушлидан яхшироқдир. Зероки, худованди карим пайғамбарни хомуши қилиб яратмаган, балки сўзлашга амр қылган. Фақат сукут сақлаш билан азоблардан кутибул бўлмайди. Куръон ҳам хомушилик эмас, ҳакиқат қаломидир.

Ийигланларнинг ҳаммалари мамнун бўлидилар ва дебди:

— Тўғри айтдингиз ва бизни ҳидоятга бошладингиз.

## ИККИ ДУНЁ ОСОЙИШИ

И мом Сажжоднинг дўстларидан бири ташвиши холда унинг ўйга келди. И мом Сажжод ундан нороҳат бўлишининг сабабини сурдади. У киши деди:

— Кайси бир дардимни галирай. Хозирги одамлар яхшилини билмайдилар, садоқатиа ишонмайдилар. Одамларнинг бемеҳрлигидан бағрим қон. Уларга яхшилик қиласан, улар эса ҳасад қилидилар ва душманларни сулук тутадилар.

Ҳазрат И мом Сажжод дебди:

— Тилингни ачиқ, ва кўпак сўзлардан тиз оласанми? Үзингни катта тутиб, ўзлашга паст назар билан қарамайсанми? Ҳудбий бўлиб, ўзгалирни ёддан чикмарсанми? Тавозе ва саҳватни биласанми? Дўстлик хушрафторлик дарахтининг мевасидир. Ҳаммага севимли ва азиз бўлиш хазинадир, унинг калити эса меҳри-

бонлик. Ҳозир сенга қандай бўлишиликни ўргатаман. Одамларни ўз ойланг деб фарз қил. Катталарни ўз ота-онангдай хурмат қил. Кичикларни, тенгдошларнингни ака-укаларнингдай, опа-сингилларнингдай хисобла. Агар сени шайтон васваса кильса, унга бўйинсунмасдан тўғри фикрлашга ҳаракат қил. Агар катталарни кўрсанг, ўзингга айт: «Қандай қилиб мен улардан яхшироқ бўлай, ахир улар иймонлирроқку, яхши амалларни улар кўпроқ килишган». Агар кичикларни кўрсанг, ўзингга айт: «Мен хотага ўйл қўйган бўлмай, улар мендан яхшироқ, бўлиши керак». Агар сени ҳурмат килишга, шунга лойикман деб ҳисобла. Улар шундай қилишини лозим топишди, савобга қилишибди, дегин. Ҳаммага меҳрибон ва хушзабон бўл. Агар шундай рафторни ўзинга одат кильсанг, дўстларнинг кўялаяди, душманларнинг кўнгли ўюшайди. Уларнинг яхшиларидан шодла-насан. Баъзан камроқ ётибор берисса, тасъирлана, асло ранж чекма.

У киши деди:

— Курбонингз бўлай! Бу айтганларнинг иккни дунё осоишишининг ва роҳатининг калитидир. Сиздан бекад миннатдорман.

## МЕҲНАТДАН КЕЛГАН БОЙЛИК ҚАДРИ

Айтишларнича, бир бадавин яхшилинин якка ягона ўғли бўлиб, у ниҳоятда исроғар ва бехуда сарфловчи эди. Ота ўз ўғлининг ноқобил эканини билгани учун олдиндан чора кўриб, ўлими олдиндан унга насиҳат қилиб деди:


— Эй ўғли, мен ўлганимдан кейин бойликларимнинг ҳаммаси сенини бў-

лади. Ишончим комилки, сен уларнинг барини бехуда сарфлаб битирасан. Қўлингда ҳеч нарса қўлмай, очлик ва ногочорлик билан охирни ўзиминга рози бўласан. Мен нариги ўйнинг бурчагидаги томининг шипига бир арқон болгаб қўйибман. Жондан тўйган пайтингда ўзи-нинг ўша аркonga осиги!

Ота шу гапларни айтиб жон берди. Ноқобил ўйл қўй тўмай, барча пулларни сарфлаб тамом қилди. Охирни тиланчилик қилишдан ор қилиб ўзини осиб ўлдиришга қарор қилди. Отаси тайянлагандаги ўйга кириб, арқоннинг уйини бўйнига солиб, ўзини осди. Том тўсунини кўтаролмай синиг ерга тушди. Шу пайт турорк арашади. Мехнат билан топиладиган бойлик қадрини тушуниб етган ўғин энди пулни ўйлаб ишлатадиган, хайрли ишларга сарфлайдиган бўлди. Отаси хотириаси учун ҳалқни хушнуд қилишга ва улар қалбини саҳибли нури, билан ёритишига кириши.

**Назм: Кимда ўткир ақлу фаросат бордир,**

**Галаба байроги ўшанга ёрдир.  
Бахридин ТУРҒУНОВ  
тайёрлраган**



## ОРТИНГА ҚАРАМА...

«Оила ва жамият»нинг 44-сонида босилган Ботир Эрназаровнинг «Азобдан куткарувчи најот сураси» саҳифаси менга жуда маъкул бўлди. Муалиф таъкидларидан ҳалиги ҳам одамлар кабристонларни зиёрат қилишини унтиб кўйишаётгандек, назаримда.

Буни қарангти, бэззи одамлар жигарлари, қавму қариндошларининг хоки ётган қабристонларни ийла бир марта бўлса ҳам зиёрат қимайлайдар.

Рахматли отамиз оламдан ўтганиларидан мен 13—14 ўшларда эдим. Уларнинг қаблари анча олиса, Нурота тоғлари томонда колган. Биз эса Жиззахда яшаймиз. Аммо, отамиз дағи атилган қабристонга тез-тез зиёрат қилиш учун бориб турамиз. Ҳар гал қабристондан қайтар эканман кўнглини ҳасратга тўлиб, қайрилиб ортимага қараб-қараб кетардим. Шунда бувимлар «Ортинга қарама, бўлам, ёмон бўлади» деб койирдилар.

Нега ундей дейишларини мен тушишмайман, аммо барибир қарайвеман. Назаримда, отами, отам, отажоним ортимдан кузатиб қолаётгандек туюлаверади.

Ҳа, азиазлар! Ўлим ҳақлигини ҳамма билади. Ҳар инсоннинг сўнгиги манзилгоҳи бўлмиш қабристонларни, унда мангу ўйкуда ётган авлодларимизни гоҳ-гоҳ ёд этмоқлик саводдан ўзга нарса эмас, деб ўйлайман.

**Моҳира ПРИМОВА,  
Жиззах шахри**

## АКС САДО

## ҲАЛИ БАХТЛИ БЎЛАСИЗ

Губор ногирон ўғлининг баҳтсиз бўлишига йўл қўймаганинг — Сиздаги бу юз инсоний фазилат. Мен бу фикрингиз тўла кўшиламан. Дунёда баҳтсиз инсонлар, ойлалар борки, уларнинг сонини кўпайтиришга ҳалим эмасиз!

Иболи Моҳим, эзгулигингиз, инсонийлигингиз, сабрингиз эртами кеч Сизни баҳтли қиласди ва бунга жуда ишонаман.

**Немъатжон АХМАДОХУНОВ,  
Кирғизистон Республикаси, Ўш шахри**

## «ҚОРА АЁЛ»ЛАР БОР

Ассалому алайкум, ҳурматли «Оила ва жамият» газетаси ходимлари. Мен ўзик йиллардан бери ўзбекистонда шайман ва бу серкүш юртнинг меҳридаре қишиларини чукур ҳурмат киласан. Афусски, мана шу ажойиб инсонлар орасида ҳам айрим кора нияти, яъни нафакат юзи, балки ичи, қалби, нияти қора кимсаларнинг учраб туришини тасаввур қилиш кўйин. Лекин минг таассусуфлар бўлсинки, ундаляр бор. Газетангизнинг 45-сонида «Қора аёл» сарлавҳали мақолада ана шундай кимсаларнинг кирдикорлари ҳақида сўз борган. Ростдан ҳам ўзблеклар «иссик-совук», руслар эса «чёрная магия» деб атайдиган шайто-ний имлу амалларни кўллаб, одамлар-

нинг ширин турмушкига оғу солиб шодланадиган, фарзандларнинг тирик етим бўлишидан кувонадиган кимсалар орамизда учраб туради. Жумладан, мен ана шундай «иссик-совук» тифайли бузилиб кетган бир ойланни биламан. Беркин ва Клара Шакарвалар 31 йил бирга умр кечиришиб, фарзандлар ўтиришибди. Ҳали, қунларда, кувончу ташвишларда бир-бирларига тиргак, ҳамнафас бўлишибди. Бундан уч йил олдин Беркинни Кўйтошдаги конга ишга ўйришибди-ю, бу оила дарз кетди. У ерда ёши олтимини ҳалади. Шундан бери ойланни шуғуда олишиб, монадинга олиб кетавер. Қўрамиз, кўлинидан нима келаркин», дейди.

Ўзбек ҳалқида «Дилозордан худо бе-зор», деган ибратли ҳикмат бор. Шундай экан, одамлар бир-бирларига меҳри-қиблатли бўлсалар, қимлиши ва нияти кора аёллар учрамаса, дейман. Вероника ЗОЛОТАРЕВА, Тошкент шахри

Кишлоқда доим ҳам дилларни жунбушга келтирадиган ҳодисалар содир бўлавермайди. Аммо тоғлар кўйнидаги мўъжазгина бу қишлоқчада содир бўлган ҳодисаларнинг энг ҳаяхонлиси бу Турсунтош билан боғлик воқеалар бўлди, десак янглишмаймиз. Гулдай кулф уриб турган аёл ўттис ёшида бева қолса, ким ачинмайди дейсиз.

Турсунто мактабни битириб инситутга киролмади. Шу сабаб уни та-онаси эрта түрмүшгө бериб юборишиді. Ҳатто, кимни яхши күрасан, деб сүраб ҳам ўтиришмади.

Олий мактабни битирб қишилк-  
қа қайтган Анвар, қишлоқ туман мар-  
казининг бикинида бўлгани учун,  
тўппа-тўғри туман матлубот жамия-  
тига ишга кирди. Турсунтошни ил-  
гари кўриб юрарди, шунинг учун ота-  
онасининг бу қизга совчи кўйгани-  
дан хурсанд бўлди ва хеч қандай  
этироz билдирамсан рози бўлди.  
Тез орада дангиллама тўй бўлди.  
Улар ўн йил ширин умр кечиришди.

Түгри, бу йиллар давомида базы ойлавый жанжаллар ҳам бўлиб ўтди. Анварнинг «юриши» ҳақидаги миш-мислар оиласда бироз ўнғайсиз шароитлар туғдирди. Бироқ бу гаплар уларнинг бир-бирига бўлган муҳаббати ва ҳурмати боис тез босилди. Мана бугунги кунда Турсунтошнинг икки фарзанди унинг ёнила йигибад ўтиришицити.

Мархумлар ҳақида ёмон гап айтиш одобдан эмас. Ҳусусан, Турсунтош ҳам Анвар ҳақида хеч қандай ёмон фикрда эмас. Унинг қалбидаги Анвар ҳақидағы яхши хотираштар колди.

Аммо энди ўзи түгрисида турли узунқулоқ гапларнинг юриши уни бироз довдиратиб кўйди.

... Анварнинг фожеавтый ўлими Турсунтошни оғир қайғуга солди. Бир қанча пайт хаёлида Анвар ҳозир кирип келаётгандай бўлиб юрди. Лекин... Бунгаям беш йил бўлди. Ўша машъум воқеадан бўён Турсунтош болалари билан ёлгиз яшайди. Қайнота ва қайнонаси илгарилари хабар олиб туришар, шунданми, ёлгизлик у қадар сезилмасди. Икки йилдирки, улар ҳам дунёдан бирин-кетин кўз юмишиди. Ўттаз ёшда бошга тушган бевалик, ет

ти йиллик ёлғызлик азоби Тұрсунтошни анчагина қыйнади, унинг руҳиятini азоблади. Турли миш-мішлар, узун-кулоқ гаплар күйгөн бағрини янада күйдірди. Мана шундай пайтларда унга қайнағаси Саид ақадалда бўлуди. Унинг баъзи гапларни рад килишию, баъзи гапларга эътибор бермаганлиги Тұрсунтошни анча руҳлантириди. Қолаверса, турли миш-мішларни хисоб олмагандан Тұрсунтошни ишни тоза алған.

Турсунтошнинг номи тоза эди.  
Турсунтош хақидағи бундай гап-  
ларнинг урчишига унинг иши (у ту-  
ман корхоналарининг биріда бош-  
хисобчи бүліб ишлайды, боши очы-  
аёл. Бунинг устига бош хисобчи  
доим рахбар билан бирға, шундай

катталашиб бормоқда. Қишлоқда катта бўлган Турсунтош ҳам, Саид ака ҳам кўп ҳолларда бир-бираининг юзларига тик қарамаган, бу ибо, хурмат — эҳтиром Саид аканинг хотини вафот этигандан кейин алоҳида ўрин ола бошлади.

Сайд аканинг хотини ҳаётлигига  
ҳам Турсунтош бу оиланинг юмуш-  
ларидан ўзини четга олмаган.

Аммо Сайд аканинг аёли вафоти қилгандан кейин унинг ҳам юрагидан бир нарса узилиб кетгандай бўлди. Қайнота ва қайнонасининг вафоти ва ниҳоят ўюкорида айтганини миздай овсинининг вафоти уни яна бир ҳаёт ларзасидан олиб ўтди. Энди у шу авлод оиласида энг катта

Бундай ўйлар илгари Турсунтошнинг ҳаёлига ҳеч келмас эди. Лекин овсини вафот этгандан бери бу тараздиги хаёллар Турсунтошни тез-тез чалгитиб туродиган бўлиб қолди. Нима сабаблигини ўзи ҳам билмайди, балки унда қайта бошдан аёллик уйгонаётгандир. Анвар вафотидан кейин салкам бутунлай сўлган, Турсунтош атайлаб сўндирган аёллик яна уйгонаётгандир. Бу түйғунинг қаёдан пайдо бўлаётганини Турсунтош тушунолмайди. Гоҳида буни хоҳламайдиям. Шунга қарамай, унда қандайdir бир ички қайсарлик билан аёллик уйғониб боряпти.

... Сайд ака аввалисига байзан-байзан хаёлига келган бу фикрларга эътибор ҳам бермади, лекин байзан ўз-ўзича қандайдир режалар тузадиган, Фикрга чўмадиган, Турсунтошинг кўринишини эслайдиган, уни кўргиси келадиган бўлиб колди. Нима бўлгандা ҳам болалар, айникса, Анварнинг болалари сез-маслиги керак. Бу укасининг руҳи олдида хиёнат. Аммо... ҳа айтган-дай, бу масалага дини ислом қандайдай қарар экан. Сайд ака бу ҳақдаги байзи узункулоқ гапларни кўзғаб, эшишиб ҳам кўрди. Шариат, умуман олганда, қарши эмас, ҳатто ижобий фатво ҳам борга ўхшайди. Айниқса, қарши Фикрнинг йўклиги аниқ. Энди қишлоқчилик деган бир оғир тушунча, оғир бир тўсиқ борки, буни махалла-кўй тўғри кабул қилса яхши. Аммо ёмонга олса, гапдан бошинг чиқмайди. Шундай экан воқеанинг ўз ўрнида пишиб-етилишини ва қишлоқдошларининг фикри қаёққа оқаётганини кутиш керак. Шундагина бирон томонгина қараб, айникса, қишлоқ ахли ва оқсоқоларининг, қайвониларнинг Фикрига қараб иш тутилиши лозим.

Саид ака шу фикрга келип қўйганинга анча бўлди... Аммо айнан мана шу фикрлар билан ҳар куни ўз-ўзича олишаётган Турсунтош ҳали бирон қарорга келган эмас. У ҳали ҳам қишлоқ аёлларининг фикрини ўғирлаш, уларнинг ўзи ҳакида тўкиб-бичаётган гапларини эшишиб, мулоҳаза қилиш билан овора. Турсунтош Саид аканинг қароридан хабарсиз. Бирок уни тез-тез ўйлади. Ахир, бундай воеалар юзасидан қишлоқ аёлининг ўз фикри бўлиши ва бу фикри у очиқ-оидин бирорвага айтишининг илохи ҳам йўкда. Турсунтош «пешонамда неки кун бор» — тақдиримдан «қўраман», деб ўйлади. Донолар айтганидек, вакт ва тақдир ҳаммасини ҳал килгусидир.

М. ЙҮЛДОШЕВ

# Тақдир ҚИШЛОҚДОШЛАР НИМА ДЕРКИН?

бүлгач...), қолаверса, ҳовли-жой хам сабаб бўлаётгандаига ўхшайди.

Қайнотаси раҳматли болаларим бирга бўлсин, деб уч ҳовлини бир жойдан солған, тўртинчи ҳовли ҳам шу жойининг ўзида бўлиб, факат кўчанинг қарама-қарши томонида жойлансан.

Биринчи ҳовли қайноғаси Сайдаканники, иккинчи ҳовли ҳозир бўш қайнотасиники, учинчى ҳовли қайниси, оиланинг кичкунтойи Сарварники, кўчнинг қарама-карши томонидаги тўрттинчи ҳовли эса Турсунтошга карашди.

Саид аканинг хотини кўп касалманд аёл эди, касби дўхтири бўлган Саид ака уни қанчалар қаратмади қанчалар даволатмади. Барибир бўлмади, мана икки йилдирки, Саид ака ҳам ёлғиз. Умуман олганда, бу йиллар, қийин бўлганда, энг қийини Саид акага бўлди. Аввалига жигари — гулдай уласи Анвар фожеали вафот этди. Кариляр ўз ҳолича куйинишган бўлса, Саид ака ўзича куюнди. Ахир, туманда кўзга кўрининг йигит Анвар Саид аканинг ўнсаноти эди-да. Бу воқеаларда кейин бирин ketin отаси, ундан кийин онаси вафот этди. Саид

кейин онаси вафот этди. Сайын  
ака жуда чўқди, чўқканда ҳам  
қаттиқ чўқди. Мана, укасининг  
вафотига етти йил бўлдики, ҳа-  
ли укасининг машина ичидага кон-  
га бўялиб ётган жасадини кўз-  
олдидан кетказа олмайди. Бўл-  
маса ўзи дўхтири, не бир касал-  
не бир мурдаларни кўрмаган.  
Барibir, жигар жигар экандай  
Бунга чидаб, кўникиб бўлмас-  
сан.

Бугунги кунда Сарвар ўз куни билан овора, бунинг устига келин ҳам унча элакишавермайди. Негадир, ўзини доим четта олади. Аммо Турсунтош бўлак. Укасининг вафотига етти йил бўлибдики, турмуш қуриш ҳақидади. Ўйламади, гап чиқса ради килидиди. Икки фарзандини бокиб ишлаб юрипти. Болалари ҳам Саид акани ўз отасидай кўришади. Иссиқ-совуғи, хом-пишиги бир десятка бўлади. Аммо... Мана шу «аммо» Саид аканинг хотини вафотига ётган икки йилдан бўён жуда

аёл. Бу катта рўзгорнинг боши эса Сайд ака. Негадир, улар энди тез тез учрашиб, баъзи умумоилавиий нарсаларни маслаҳатлашиш одатиги ни чиқариши. Аслида бу ноодатиги ҳол эмас. Улар илгари ҳам маслаҳатлашиб турар эди, лекин бу маслаҳатлардаги отаси, онаси қатнашар шунинг учун айнан Сайд ака ва Турсунтошнинг қатнашганлиги алоҳидаги кўринмас эди. Эндики, энди улар йўқ. Шунинг учун Сайд аканинг валоји Турсунтошнинг ҳар бир учрашивиги ҳар бир гап-сўзибегони нигоҳлардан четла кўлмаяти

Ахир, бу учрашувлар оиласын мавзуларда бўлса, нега одамлар буни турли ёмон ниятларга йўйишиди. Қолаверса, улар бегона ҳам эмас. Йўқ, негадир куни-кўшинилар уларнинг учрашувларини, килган маслаҳатларини тафтиши килиши одатина чиракшишганда ўхшайди.

Тигиң чикаришапта үшканды.

Эл оғзига эләк тутиб бўлмас экан яқинда Сайд ака Турсунтоши олий шаҳарга бориб келди. Бу воқеа қиши локда мана, анча кундан бери алоҳида миш-мишларга мавзу, ваҳоланги уларнинг орасидаги алокә илга ри қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай. Одамлар нимага ҳамма нарсага қиниргани кўз билан қарайдин, ҳайронсан.

Кишилдагиларнинг даявонарик турли гаплари ўринисиз эди. Чунки ҳали ҳеч ким Турсунтош билан Сайдини бирор айб иш устида ушлаб олишмаган, умуман улар бундай ишга кўл ҳам уришмаганди. Бироқ бу ҳеч гап йўқ деганимас. Бу ерда нацишлодашлар, на уларнинг яхинлари кўролмайдиган бир сир бор эди. Бу сир кўнгилларнинг энг ту

...Турсунтошнинг энг очилган аёллик суроҳати пайти, у ҳам ахир аёл бошқа эркакларга қарамаса қара майди. Сайд акаси... у киши врач барибир, ундан на бир дардни, на бир сирни яшириб бўлади. Шунин

йүчн...  
Йўқ, йўқ, бу ўйларни бошдан чи  
қарип ташлаш керак. Ахир, у Ан-  
варнинг акаси, мен ҳам шу пайтга  
ча ака деб келдим,... лекин Саид  
ака билан Анвар жуда-жуда ўшша-  
эдилар.

СРАМНА ЕДА КЪР

ИТ - ХАМЁНГА ЖАФО

Холливуднинг таниқли киноактёри Мэл Гибсон шу кунларда судга серқатнов бўлиб қолган. Унинг Маверик лақабли ити кечки саир маҳали Терри Адамсон исмли хонимни қопиб олган эди. Аёл Мэлни судга берди. У итининг оғзига тумшуқтўр боғламай сайрга олиб чиқсанини тан олди. Энди у Терри хонимга каттагина миқдорда товон пули тўласа керак.

«Саодат»нинг «Оила, жамият ва ахлоқ» бўлимини бошкарувчи Гулчехраxonни йўқлаб келувчилар кўп. У ҳаммани тинглайди, дарду қувончларига шерик бўлади. Шу билан бирга кўп ёзди. Йилнинг энг яхши журналистлари танловида голиб чиққани ҳам бежиз эмас.

Гулчехраxon чиройли шеърлар ҳам битади. Ёзганлари дадил, дардли, безовта. Гулчехра ЖАМИЛОВАНИНГ қўидаги шеърларини ўқиб, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

### ЮРТИМ

Тонгларнинг зумуррад нурига  
Йўргаклаб,  
Сен мени улгайдинг.  
Кўзиммин минг бир хил рангида  
Ардоклаб,  
Сўнг, сени улгайдим!  
Моҳитоб ёлворди бергин деб,  
Юлдузлар пинжигма тикилди.  
Ундан кеч, мен билан юргин деб,  
Кўёш оғимига йикиди.  
Чаманлар яйрайди бағрингда,  
Ёзлари, қишилари – гуногун.  
Мен ҳам бир гул каби қўксингта  
Сочилсан,  
Йўқ эди армоним!

### ЯНГАЖОН

(«Менинам шеър  
килармикиниз?» дерди  
янгам)

Ҳаёт Сизга май тўла  
Тутди чоғир, янгажон.  
Унинг ярми шириндири,  
Ярми тахир, янгажон.

Сочингизга санчилиб  
Суманлар бўй ҳидлайди.

Кошингизга ин кўйиб,  
Мусичалар уланди.

Сиз яшар боя тўрида  
Бир булбул бор, янгажон.  
Хуш лажаси – садоқат,  
Сиз унга жўр, янгажон.

Кушларингиз – беш лочин  
Кўкларга ҳаволанди.  
Отасининг умрига,  
Парвозлари уланди.

Кўш умрга уланган  
Изингизда оташ бор.  
Қўксингизнинг қўзида  
Евни енгар бардош бор.

Ҳасратларга тош отиб,  
Сиз боғларга йўл солинг.  
Кулгулар сарасини  
Гуллар лабидан олинг.

Армонларнинг феъли тор,  
Сиз кенг бўлинг, янгажон.  
Турмуш енгисиз кўйлакдир,  
Сиз енг бўлинг, янгажон.

## МЕЖИ ЎРАР БИР ДУЖЁ ҲУР

Ҳаёт сизга май тўла,  
Тутди чоғир, янгажон.  
Ярми дарддир, ярми бахт,  
Бу бир тақдир, янгажон!

### ИЛТИЖО

Ёлғиз эдим, бир дунё қиз теграм аро;  
Дилим – ағфор, кўксим – қафас, очгувчим йўқ,  
Куршовингда минг бўй йигит, сен да танҳо,  
Андухларинг бодасини... ичгувчи йўқ!

Ваҳдат боғи ғунчалари зардланди,  
Нигоҳимиз урилган ҳар гул – замъфарон.  
Руҳларимиз арши нечун гардланди,  
Эзоҳ...

Бизнинг ибодат ҳам ёлғиз экан!

Етар энди, танҳоликнинг тогин нурат,  
Томирингдан умрларга оловлар бер.  
Гуноҳимиз ялдосидин кечимиш Оллоҳ,  
Нур бояидан сен қумушранг олмалар тер.

Келгил,  
(Паноҳ берур Раббим!) кутгум сени,  
Андухларинг бодасини кўлумга тут.  
Дуоларнинг замзамига чайб рӯни,  
Ёлворайлик, ўтрамизда мұқаддас ишк!

Ёлғизмассан, сени ўрар бир дунё гул,  
Ёлғизмассан, мени ўрар бир дунё нур...

### УЧЛИКЛАР

Висол бу кун таҳтад.  
Йиллаб дил тўрида яшаган Согинч  
Чўқди пойгоҳга.

Дарахт зумда ёниб битди.  
Кечаги шамолдад учган бир япроқ  
Кувониб кетди!

Том устидан ерга отди ўзини  
Лопакизгандок,  
Тўлиб кетган эди юраги...

Хандалак тилимiga менгизашди  
Янги Ойни.  
Унинг юзи доғланди, уятдан.

Нигоҳлар ташрифин кутиб чарчаган  
Бу гул энди гарип...

Кўнгил токасида ётар саргайиб!

\*\*\*

Одил Ёқубов таваллудининг 70 йиллиги

## МУҲАББАТ ВА АДОЛАТ ЙЎЛИ

ни бошдан кечирган, Иккичи жаҳон урушини Узоқ Шарқда якунлаган. Унинг таржими молига назар ташлاغанда, ўзи сўзлаб берган хотираларини кайта эслаганда карами кенг табиатнинг мўжизасини кўриб, ҳайратга тушибган одам ҳолатини кечирасан: мениндай ҳарсанг тошни ёриб чиқдан гиёҳ куч-кудратни қайдан олган экан! Очарчилик, уруш, катагон, кувгин, яна уруш ва узок йилларга чўзилган, назорат остидаги ижодий меҳнат – Одил Ёқубовнинг болалиги, ўсмилиги, ёшлиги ва ундан кейинги ҳаёт йўлни ана шундай үқубат бекатларидан ўтди. Тўғриғи, менга шундай туюлади. Адид эса ўтган кунларини кулиб эслайди, табиатида нолиш йўқ; у менга байробига катта-катта ҳарфлар билан «КУРАШ» ёзилган жанғини ҳам эслатади. Унинг сермаҳсул ижодий фаолияти аслида умр бўйи – ҳар кун, ҳар соат олиб борган тинимисиз куншининг самараасидир.

Одил Ёқубов биринчи қиссаларини («Тенгдошлар») 1951 йили ёзган эди. Умуман, 50-60-йиллар ижодий мухити адабиётни темир қолипга солиб кўйган эди. Бу ҳақда адид шундай дейди: «Биз адабиётга кириб келган пайтларда, эллигичи ҳилларнинг бошида машъум конфликтсизлик назарияси айни авжиди эди... ҳаёт қанчалик мураккаб бўлмасин, ёзувчи шу ёхётга суняниши, кераклигини, ҳаётда ўзи кузатган одамлар, уларнинг тақдирли ҳақида ёзсангина жонли бир нарса чиқиши мумкинлигини тушунгунча ун йиллар утди». Мана шу ўн йилларда ёзувчи бир қанча қисса ва ҳикоялар ёди, улардаги содда, муҳими, покизи туйгулар баёни бугун ҳам ўзувчи қалбida ажаб бир хиссиятларни кўзгайди. Бироқ, мана, 20 йилдан ошдики, муалиф ўша қиссаларини қайта нашр этиргани йўқ. Гарчи ҳаётдан

